O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
ADLIYA VAZIRLIGIDA
DAVLAT RO'YXATIDAN O'TKAZILDI
RO'YXAT RAQAMI: 3906
2026 - yil 24 - Iyul

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ АГЕНТЛИГИ ДИРЕКТОРИНИНГ БУЙРУҒИ

Коррупцияга қарши курашиш бўйича Миллий сертификатлаштириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 30 декабрдаги ПФ–270-сон “Ўзбекистон Республикасида коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармонига мувофиқ буюраман:

1. Коррупцияга қарши курашиш бўйича Миллий сертификатлаштириш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ушбу буйруқ Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги билан келишилган.

3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Direktor
01-Iyul 2026-yil
95 son

BURXANOV AKMAL
ESHONDEDAYEVICH

Kelishildi:

O`zbekiston Respublikasi DXX Raisi
30-Iyun 2026-yil

KURBANOV BAXODIR
NIZAMOVICH

Direktor

19-Iyun 2026-yil

JUMANAZAROV AKMAL RUZIKULOVICH

O'zbekiston Respublikasi Bosh prokurori

12-Iyun 2026-yil

YO‘LDOSHEV NIG‘MATILLA TO‘LQINOVICH

Vazir

19-May 2026-yil

KUCHKAROV DJAMSHID ANVAROVICH

Vazir

07-Mart 2026-yil

TASHPULATOV AZIZ ANVAROVICH

Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги директорининг
2026 йил 1 июлдаги 95-сон буйруғига
ИЛОВА

Коррупцияга қарши курашиш бўйича Миллий сертификатлаштириш тартиби тўғрисидаги
НИЗОМ

Мазкур Низом давлат органлари ва ташкилотлари, устав фондида (устав капиталида) давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган хўжалик жамиятларида (бундан буён матнда давлат органлари ва ташкилотлари деб юритилади) коррупцияга қарши курашиш бўйича Миллий сертификатлаштириш тартибини белгилайди.

Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенати, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси, суд, прокуратура, ички ишлар, мудофаа ишлари, фавқулодда вазиятлар, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси, Давлат божхона хизмати, Давлат хавфсизлик хизмати ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат хавфсизлик хизмати органларига, шунингдек техник жиҳатдан тартибга солиш ва стандартлаштириш соҳасидаги муносабатларга нисбатан татбиқ этилмайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

коррупцияга қарши Миллий сертификатлаштириш менежмент тизими – давлат органлари ва ташкилотларининг коррупцияга қарши курашиш ҳамда унинг олдини олиш соҳасидаги фаолиятини белгиланган мезонлар асосида баҳолаш ва сертификатлаштириш тизими;

сертификат – коррупцияга қарши Миллий сертификатлаштириш менежмент тизими мезонларига мувофиқликни тасдиқловчи ҳужжат;

ишчи гуруҳ – давлат органлари ва ташкилотларида коррупцияга қарши Миллий сертификатлаштириш менежмент тизимини жорий этиш учун Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги (бундан буён матнда Агентлик деб юритилади), давлат органлари ва ташкилотларининг, давлат иштирокидаги корхоналарнинг комплаенс ва коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари (бундан буён матнда коррупцияга қарши ички назорат бўлинмалари деб юритилади) ходимлари, тегишли таълим

ташкилотларининг профессор-ўқитувчилари, экспертлар ва мутахассислардан иборат таркибда шакллантириладиган гуруҳ;

баҳолаш дастури – давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятини коррупцияга қарши Миллий сертификатлаштириш менежмент тизими мезонлари асосида баҳолаш учун белгиланган талаблар мажмуи.

2. Коррупцияга қарши Миллий сертификатлаштириш менежмент тизими биринчи навбатда Коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини рейтинг баҳолаш тизими натижаларига кўра “қониқарсиз” деб баҳоланган давлат органлари ва ташкилотларида жорий этилади.

3. Давлат органлари ва ташкилотларида коррупцияга қарши Миллий сертификатлаштириш менежмент тизимини жорий этиш Агентлик томонидан тасдиқланадиган режа-графикка мувофиқ босқичма-босқич амалга оширилади.

4. Агентлик давлат органлари ва ташкилотларида коррупцияга қарши Миллий сертификатлаштириш менежмент тизимини жорий этишга масъул давлат органи ҳисобланади.

2-боб. Сертификатлаштиришни ўтказишга тайёргарлик ва уни ташкил этиш

5. Давлат органлари ва ташкилотларида жорий этилган коррупцияга қарши Миллий сертификатлаштириш менежмент тизими доирасида уларнинг коррупцияга қарши курашиш ҳамда унинг олдини олиш соҳасидаги фаолияти баҳоланади ва баҳолаш натижаларига кўра сертификатлаштирилади.

Бунда сертификатлаштириш қуйидаги босқичларни ўз ичига олади:

Агентлик томонидан режа-графикни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

ишчи гуруҳни шакллантириш ва унинг таркибини тасдиқлаш;

сертификатлаштириш ҳажми ва мақсадларидан келиб чиқиб баҳолаш дастурини тасдиқлаш;

баҳолаш дастурига мувофиқ давлат органлари ва ташкилотларининг коррупцияга қарши курашиш ҳамда унинг олдини олиш соҳасидаги фаолиятини масофадан туриб ва (ёки) жойига чиққан ҳолда баҳолаш;

баҳолаш натижалари бўйича ишчи гуруҳ хулосасини тайёрлаш;

сертификатлаштириш тўғрисида қарор қабул қилиш.

6. Режа-график Коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини рейтинг баҳолаш натижалари эълон қилинганидан сўнг, ҳар йили март ойида Агентлик томонидан тасдиқланади ҳамда тегишли давлат органлари ва ташкилотларига юборилади.

7. Дастлабки босқичда режа-график ушбу Низомнинг 1-иловасига мувофиқ қуйидаги асослардан келиб чиқиб шакллантирилади:

биринчи навбатда Коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини рейтинг баҳолаш натижаларига кўра фаолияти “қониқарсиз” деб баҳоланганлиги;

коррупцияга оид жиноятчилик даражасининг ўтган йилга нисбатан ошганлиги;

“Ижтимоий фикр” республика жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази томонидан аҳоли ўртасида ўтказилган соҳага оид сўровнома натижаларига кўра, аҳолининг мазкур соҳа фаолиятидан норозилиги аниқланганлиги;

коррупциявий хавф даражаси юқори бўлиши.

Юқорида назарда тутилган асослар мавжуд бўлмаган ҳолларда, давлат органлари ва ташкилотлари босқичма-босқич сертификатлаштиришдан ўтказилади.

8. Давлат органлари ва ташкилотларининг коррупцияга қарши курашиш ҳамда унинг олдини олиш соҳасидаги фаолиятини баҳолаш учун ишчи гуруҳ режа-графикда белгиланган баҳолаш муддати бошланишидан камида 10 иш куни олдин Агентлик директорининг буйруғига асосан Агентлик ходимлари, коррупцияга қарши ички назорат бўлинмалари ходимлари, тегишли таълим ташкилотларининг профессор-ўқитувчилари, шунингдек экспертлар ва мутахассислардан иборат таркибда шакллантирилади.

9. Фаолияти баҳоланаётган давлат органлари ва ташкилотларининг раҳбарлари ишчи гуруҳ фаолиятини самарали ташкил этиш учун зарур шарт-шароитларни яратади, шу жумладан уни зарур хоналар, моддий-техник ва алоқа воситалари билан таъминлайди ҳамда ўз ваколати доирасида бошқа ташкилий чораларни кўради.

10. Ишчи гуруҳ Агентликнинг масъул тармоқ ходими раҳбарлигида камида етти нафардан иборат тоқ сонли таркибда шакллантирилади.

11. Ишчи гуруҳнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

ушбу Низомнинг 17-бандида назарда тутилган мезонлардан келиб чиқиб баҳолаш дастурини ишлаб чиқиш;

давлат органи ва ташкилоти фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳамда ички ҳужжатларни ўрганиш;

баҳолаш учун зарур маълумотларни йиғиш ва таҳлил қилиш;

ходимлар билан суҳбатлар ўтказиш;

аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.

12. Ишчи гуруҳ раҳбари ишчи гуруҳ аъзолари ўртасида вазифаларни тақсимлайди ҳамда баҳолаш жараёнига умумий раҳбарликни амалга оширади.

13. Баҳолаш жараёнининг қонуний, холис ва адолатли амалга оширилиши учун ишчи гуруҳ раҳбари масъул ҳисобланади.

3-боб. Давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятини баҳолаш ва сертификатлаштириш

14. Давлат органлари ва ташкилотларининг коррупцияга қарши курашиш ҳамда унинг олдини олиш соҳасидаги фаолияти ишчи гуруҳ томонидан ишлаб чиқилган баҳолаш дастурига мувофиқ баҳоланади.

15. Давлат органлари ва ташкилотларининг коррупцияга қарши курашиш ҳамда унинг олдини олиш соҳасидаги фаолияти баҳолаш дастурига мувофиқ ишчи гуруҳ аъзолари томонидан масофадан туриб ва (ёки) жойига чиққан ҳолда ўрганилади.

16. Давлат органлари ва ташкилотларининг коррупцияга қарши курашиш ҳамда унинг олдини олиш соҳасидаги фаолиятини баҳолаш баҳолаш дастурига асосан уларнинг функционал хусусиятларидан келиб чиқиб, кўпи билан 14 иш куни ичида амалга оширилади.

17. Баҳолаш дастури қуйидаги мезонлар асосида ишлаб чиқилади:

биринчи йўналиш – давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятида очиқлик ва шаффофликни таъминлаш, бунда:

расмий веб-сайтнинг ишчи ҳолатда бўлиши;

ижтимоий аҳамиятга молик маълумотларни эълон қилиш бўйича қонунчилик ҳужжатларида белгиланган талаблар ва муддатларга риоя қилиниши;

иккинчи йўналиш – давлат органлари ва ташкилотларида жамоатчилик кенгашлари фаолияти орқали жамоатчилик назоратини таъминлаш, бунда:

жамоатчилик кенгашининг ташкил этилганлиги, унинг таркиби ва аъзолари сонининг белгиланган талабларга мувофиқлиги ҳамда таркибида нодавлат нотижорат ташкилотлари вакилларининг иштироки;

жамоатчилик кенгаши томонидан расмий тарзда киритилган таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги;

жамоатчилик кенгаши фаолияти учун зарур моддий-техник ва ташкилий шароитлар яратилганлиги;

жамоатчилик кенгаши фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлиги;

учинчи йўналиш – коррупциявий хавфларни бошқариш тизимининг самарадорлиги, бунда:

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда ички идоравий ҳужжатлар лойиҳаларининг ишлаб чиқилганлиги;

инсон омилини қисқартириш ва давлат ташкилоти фаолиятининг (вазифа ва функцияларининг) раҳамлаштирилганлиги, шаффофликни таъминлаш, жамоатчилик назоратининг йўлга қўйилганлиги;

давлат органи ва ташкилоти фаолиятини (вазифа ва функцияларини) тартибга солиш чораларининг кўрилганлиги;

давлат органи ва ташкилоти ходимлари ва жисмоний шахслар ўртасида тўғридан-тўғри алоқанинг максимал даражада чекланганлиги;

расмий веб-сайт ва бошқа оммавий ахборот воситаларида давлат ташкилоти томонидан амалга оширилаётган давлат харидлари тўғрисидаги маълумотларнинг жойлаштирилганлиги;

давлат хизматларини кўрсатиш жараёнининг соддалаштирилганлиги, асоссиз чекловларнинг, ортиқча маъмурий тартиб-таомилларнинг бекор қилинганлиги;

тўртинчи йўналиш – ходимларнинг хизмат фаолиятига оид ҳамда хизматдан ташқари одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилишини таъминлаш, бунда:

жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор қарорларни қабул қилишда қонунийлик, адолатлилик ва шаффофликни таъминлаш чораларининг кўрилганлиги;

давлат ва жамият манфаатларига зарар етказадиган ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари фаолияти самарадорлигини пасайтирадиган ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) устидан самарали ички назоратнинг йўлга қўйилганлиги;

давлат органлари ва ташкилотлари, давлат хизматчилари ва бошқа шахсларга ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда шахсий масалалар юзасидан таъсир ўтказишнинг олдини олувчи чораларнинг белгиланганлиги;

ходимлар томонидан коррупциявий ҳуқуқбузарликлар ва бошқа суиистеъмолчиликлар содир этилишининг олдини олиш чораларининг кўрилганлиги;

бешинчи йўналиш – манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш механизмларининг жорий этилганлиги, бунда:

эҳтимолий манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги декларацияларнинг мунтазам тўлдирилиши ҳамда манфаатлар тўқнашувини ҳисобга олиш реестрининг мавжудлиги;

яқин қариндошларнинг бевосита бўйсунув муносабатларида ишлаши (давлат фуқаролик хизмати лавозимларининг сиёсий гуруҳига кирувчи лавозимлар бундан мустасно) ҳамда фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар бўйича алоқадор шахсларни жалб

этиш билан боғлиқ манфаатлар тўқнашуви ҳолатларининг олдини олиш чораларининг кўрилганлиги;

бири бошқасига бўйсунувчи ёки бири бошқасининг назоратида бўлган ташкилотларда ўриндошлик асосида меҳнат фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ манфаатлар тўқнашуви ҳолатларининг олдини олиш чораларининг кўрилганлиги;

ходимнинг тижорат ташкилотларининг таъсисчиси (акциядори, иштирокчиси) бўлиши билан боғлиқ манфаатлар тўқнашуви ҳолатларининг олдини олиш чораларининг кўрилганлиги, бундан акциядорлик жамиятларининг эркин муомаладаги акцияларининг ўн фоизигача эгалик қилиш ҳоллари мустасно;

ходимнинг ўзи меҳнат (хизмат) фаолиятини амалга ошираётган давлат органи ёки ташкилоти назоратидаги тадбиркорлик субъектининг акциялари ёки устав фондидаги (устав капиталидаги) улушларига эгалик қилиши билан боғлиқ манфаатлар тўқнашуви ҳолатларининг олдини олиш чораларининг кўрилганлиги;

манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш бўйича бошқа ташкилий ва ҳуқуқий чораларнинг белгиланганлиги;

олтинчи йўналиш – коррупцияга қарши курашиш бўйича ички механизмларнинг жорий этилганлиги, бунда:

коррупция тўғрисида хабар бериш учун мўлжалланган алоқа каналларининг ишлаши ҳамда коррупция фактларига доир мурожаатларни кўриб чиқиш тартибининг жорий этилганлиги;

совғаларни қабул қилиш, ҳисобга олиш ва тасарруф этиш тартибининг амалиётга жорий этилганлиги;

коррупцияга қарши тартиб-таомилларнинг самарадорлигини мониторинг қилиш ва назорат қилиш бўйича режалаштирилган тадбирларнинг бажарилганлиги;

бюджет, бюджетдан ташқари ҳамда бошқа маблағлардан фойдаланиш устидан ички назорат тадбирларининг амалга оширилганлиги;

коррупцияга оид жиноятларнинг келиб чиқиш сабаблари ва уларнинг содир этилишига имкон берувчи шарт-шароитларни, шу жумладан маиший коррупцияни бартараф этиш чораларининг кўрилганлиги;

аҳоли ва давлат хизматчиларининг коррупцияга қарши ҳуқуқий онги ҳамда ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга қаратилган тадбирларнинг амалга оширилганлиги;

коррупция ҳақида хабар берган ходимларни ҳимоя қилиш кафолати етарлилиги;

еттинчи йўналиш – коррупцияга қарши ички назорат бўлинмалари фаолиятининг самарадорлиги, бунда:

коррупцияга қарши ички назорат бўлинмасининг штат бирликлари сони давлат органи ва ташкилотининг штат бирликлари ҳамда фаолият хусусиятларидан келиб чиқиб шакллантирилганлиги, шунингдек унинг зарур моддий-техник ва бошқа ресурслар билан таъминланганлиги;

коррупцияга қарши ички назорат бўлинмаси фаолиятини тартибга солувчи ички ҳужжатларнинг қонунчилик ҳужжатларига мувофиқлаштирилганлиги.

18. Баҳолаш дастурида назарда тутилган мезонлар давлат органи ёки ташкилотининг ташкилий-ҳуқуқий шакли, вазифа ва функциялари хусусиятларидан келиб чиқиб, муайян мезон бўйича баҳолашни амалга ошириш объектив сабабларга кўра имкони мавжуд бўлмаган ҳолларда, ушбу мезон мазкур давлат органи ёки ташкилотига нисбатан “қўлланилмайди” деб белгиланиши мумкин.

Бунда “қўлланилмайди” деб белгиланган мезон қонунчилик ҳужжатлари, давлат органи ёки ташкилотининг устави, низоми, вазифа ва функциялари ёки бошқа тасдиқловчи ҳужжатлар асосида баҳолаш бошланишидан олдин ишчи гуруҳ томонидан асослантирилади.

19. Давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти ушбу Низомнинг 2-иловасига мувофиқ баҳолаш дастурида назарда тутилган мезонлар асосида 100 баллик тизимда баҳоланади. Бунда баҳолаш натижаларига кўра уларнинг фаолияти “яхши”, “қониқарли” ёки “қониқарсиз” деб баҳоланади.

20. Баҳолаш натижаларига кўра давлат органлари ва ташкилотлари фаолияти қуйидагича баҳоланади:

81 баллдан 100 баллгача – “яхши”;

55 баллдан 81 баллгача – “қониқарли”;

55 баллдан кам – “қониқарсиз”.

21. Якуний балл баҳолаш дастурида назарда тутилган йўналишлар бўйича тўпланган баллар йиғиндиси асосида аниқланади. Бунда ҳар бир йўналиш бўйича энг юқори балл қуйидагича белгиланади:

биринчи йўналиш – 14 балл;

иккинчи йўналиш – 14 балл;

учинчи йўналиш – 16 балл;

тўртинчи йўналиш – 14 балл;

бешинчи йўналиш – 14 балл;

олтинчи йўналиш – 14 балл;

еттинчи йўналиш – 14 балл.

22. Ҳар бир йўналиш бўйича максимал балл мазкур Низомнинг 2-иловасида келтирилган баҳолаш йўналишлари ва индикаторлари бўйича белгиланган баллар йиғиндиси асосида аниқланади.

23. Баҳолаш дастурида бир ёки бир нечта мезон “қўлланилмайди” деб белгиланган тақдирда, якуний балл қуйидаги формула асосида ҳисобланади:

ЯБ = (ТБ / МБ) × 100

Бунда:

ЯБ — якуний балл;

ТБ — мезонлар бўйича тўпланган баллар йиғиндиси;

МБ — мезонлар бўйича максимал балларнинг йиғиндиси.

24. Баҳолаш натижалари бўйича тайёрланган ҳужжатлар ва ишчи гуруҳ хулосаси ишчи гуруҳ раҳбари томонидан имзоланади ҳамда сертификатлаштириш тўғрисида қарор қабул қилиш учун шу куннинг ўзида Агентликка киритилади.

Бунда ишчи гуруҳ хулосаси фаолияти баҳоланаётган давлат органи ёки ташкилотининг биринчи раҳбарига таништирилади. Эътирозлар билдирилган тақдирда, улар хулосада акс эттирилади.

25. Баҳолаш натижалари бўйича тайёрланадиган ишчи гуруҳ хулосасида ҳар бир мезон бўйича ишчи гуруҳ аъзолари томонидан берилган балларнинг ўртача арифметик қиймати асосида ҳисобланган якуний балл кўрсатилади.

Бунда ҳар бир индикатор бўйича белгиланган талаб тўлиқ бажарилган тақдирда мазкур индикатор учун назарда тутилган максимал балл, талаб бажарилмаган тақдирда эса ноль балл қўйилади.

26. Баҳолаш натижаларига кўра фаолияти “яхши” деб баҳоланган давлат органлари ва ташкилотларига мазкур Низомнинг 3-иловасига мувофиқ шаклда коррупцияга қарши Миллий сертификатлаштириш менежмент тизими талабларига мувофиқлигини тасдиқловчи сертификат Агентлик томонидан берилади. Сертификат уч йил муддат давомида амал қилади.

Ишчи гуруҳ хулосасига асосан фаолияти “қониқарли” деб топилган давлат органлари ва ташкилотларига аниқланган камчиликларни бартараф этиш учун 1 ойдан ошмаган муддат берилади.

Бунда белгиланган муддатда камчиликларни бартараф этган давлат органлари ва ташкилотларига коррупцияга қарши Миллий сертификатлаштириш менежмент тизими жорий этилганлиги тўғрисида сертификат тақдим этилади.

27. Фаолияти “қониқарсиз” деб баҳоланган, шунингдек, “қониқарли” деб баҳоланиб, аниқланган камчиликларни белгиланган қўшимча муддатларда бартараф этмаган давлат органлари ва ташкилотлари тўғридан-тўғри сертификат олмаган деб баҳоланади. Бундай ҳолат ташкилот раҳбарларига нисбатан тизим жорий этилган кунга қадар рағбатлантириш хусусиятига эга барча тўловларни тўхтатиб туриш учун асос бўлади.

28. Коррупцияга қарши Миллий сертификатлаштириш менежмент тизими жорий этилганлиги тўғрисида бериладиган сертификат фаолияти баҳоланган давлат органи ва (ёки) ташкилотининг марказий аппарати ва ҳудудий бўлинмаларига нисбатан татбиқ этилади, бундан давлат органи ва (ёки) ташкилоти ҳузуридаги ташкилотлар мустасно.

4-боб. Апелляция шикоятларини кўриб чиқиш

29. Апелляцияни кўриб чиқиш учун Агентлик директорининг буйруғи билан камида беш нафар аъзодан иборат Апелляция комиссияси ташкил этилади.

Апелляция комиссиясига Агентлик директори раислик қилади.

Апелляция комиссияси таркибига келишув асосида бошқа давлат органлари ва ташкилотларининг мутахассислари, шунингдек мустақил экспертлар жалб этилиши мумкин.

Фаолиятни баҳолашда бевосита иштирок этган ишчи гуруҳ аъзолари, баҳолаш материалларини тайёрлаган шахслар, шунингдек апелляция натижасидан бевосита ёки билвосита манфаатдор шахслар Апелляция комиссияси таркибига киритилмайди.

30. Баҳолаш натижаларидан норози бўлган давлат органи ёки ташкилоти баҳолаш якунлари бўйича ишчи гуруҳ раҳбари томонидан имзоланган тегишли хулоса санасидан бошлаб ўттиз календарь кун ичида Агентликка ёзма ёки электрон шаклда апелляция бериш ҳуқуқига эга.

31. Апелляция комиссияси апелляция берган давлат органи ёки ташкилотини апелляция кўриб чиқилишидан камида икки кун олдин уни кўриб чиқиш вақти ва жойи ҳақида ёзма ёки электрон шаклда хабардор қилади.

32. Апелляцияни кўриб чиқиш муддати у Агентликда рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб ўн беш иш куни ичида, апелляция шикояти берган давлат органи ёки ташкилоти раҳбари ёки унинг ваколатли вакили иштирокида кўриб чиқилиши лозим.

33. Апелляция комиссияси аъзоларининг камида учдан икки қисми иштирок этганда ваколатли ҳисобланади. Қарор мажлисда иштирок этган аъзоларнинг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади. Овозлар тенг бўлиб қолган тақдирда, комиссия раисининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

34. Апелляция комиссияси эътироз билдирилган мезонлар бўйича баҳолаш материаллари, тақдим этилган далиллар ва балларни ҳисоблашнинг тўғрилигини текширади. Апелляцияни кўриб чиқиш жараёнида янги баҳолаш мезонларини қўллашга, қайта баҳолашга қаратилган саволлар беришга, шунингдек апелляция берган давлат органи ёки ташкилотининг жорий баллари ёки умумий натижасини пасайтиришга йўл қўйилмайди.

35. Апелляцияни кўриб чиқиш натижалари бўйича Апелляция комиссиясининг қуйидаги қарорларидан бири қабул қилинади:

баҳолаш натижаларини ўзгаришсиз қолдириш ва апелляцияни қаноатлантиришни рад этиш тўғрисида;

баҳолаш натижаларини ўзгартириш ва апелляцияни қаноатлантириш.

36. Апелляцияни кўриб чиқиш натижалари бўйича баённома расмийлаштирилади. Баённомада мажлис ўтказилган сана ва жой, иштирок этган комиссия аъзолари, апелляциянинг мазмуни, ўрганилган материаллар ва далиллар, овоз бериш натижалари, қабул қилинган қарор ва унинг асослари, шунингдек қарор устидан шикоят қилиш тартиби кўрсатилади.

37. Апелляция комиссиясининг қарори апелляция берган давлат органи ёки ташкилотига қарор қабул қилинган куннинг ўзида маълум қилинади, қарор ва баённоманинг кўчирма нусхаси эса бир иш куни ичида ёзма ёки электрон шаклда юборилади.

38. Апелляция комиссиясининг қарори устидан юқори турувчи органга ёки судга шикоят қилиниши мумкин.

5-боб. Якуний қоидалар

39. Баҳолаш жараёнида тақдим этилган маълумотларнинг ҳаққонийлиги юзасидан жавобгарлик баҳолаш ўтказилаётган давлат органлари ва ташкилотлари зиммасига юкланади.

40. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

Коррупцияга қарши курашиш бўйича Миллий сертификатлаштириш

тартиби тўғрисидаги низомга

1-ИЛОВА

Давлат органлари ва ташкилотларида коррупцияга қарши Миллий сертификатлаштириш менежмент тизимини жорий этиш бўйича тасдиқланадиган режа-жадвалнинг

НАМУНАВИЙ ШАКЛИ

№	Ташкилот номи	Коррупцияга қарши Миллий сертификатлаштириш менежмент тизимини жорий этиш муддатлари											
		Январь	Февраль	Март	Апрель	Май	Июнь	Июль	Август	Сентябрь	Октябрь	Ноябрь	Декабрь
I. Коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини рейтинг баҳолаш тизими натижаларига кўра фаолияти “қониқарсиз” деб баҳоланган давлат органлари ва ташкилотлари													
1.				[redacted]	[redacted]								
2.				[redacted]	[redacted]								
II. Коррупцияга оид жиноятчилик даражаси ўтган йилга нисбатан ошган давлат органлари ва ташкилотлари													
3.						[redacted]	[redacted]						
4.						[redacted]	[redacted]						
III.“Ижтимоий фикр” республика жамоатчилик фикрини ўрганиш Маркази томонидан аҳоли ўртасида ўтказилган соҳага доир сўровнома натижаларига кўра, аҳоли норози бўлиб келаётган давлат органлари ва ташкилотлари													
5.								[redacted]	[redacted]				
6.								[redacted]	[redacted]				
IV. Коррупция хавфлари юқори бўлган давлат органлари ва ташкилотлари													
7.										[redacted]	[redacted]		
8.										[redacted]	[redacted]		
V. Бошқа давлат органлари ва ташкилотлари													
9.												[redacted]	[redacted]
10.												[redacted]	[redacted]

Коррупцияга қарши курашиш бўйича Миллий
сертификатлаштириш тартиби тўғрисидаги низомга 2-ИЛОВА

Баҳолаш йўналишлари ҳамда индикатор кўрсаткичларининг
НАМУНАВИЙ ШАКЛИ

№	Баҳолаш йўналишлари ва индикатор кўрсаткичлари номи	Балл
1-боб. Давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятида очиқлик ва шаффофликни таъминлаш		**14**
1.	Расмий веб-сайтнинг ишчи ҳолатда бўлиши	6
2.	Ижтимоий аҳамиятга молик маълумотларни эълон қилиш бўйича қонунчилик ҳужжатларида белгиланган талаблар ва муддатларга риоя қилиниши	8
2-боб. Давлат органлари ва ташкилотларида жамоатчилик кенгашлари фаолияти орқали жамоатчилик назоратини таъминлаш		**14**
3.	Жамоатчилик кенгашининг ташкил этилганлиги, унинг таркиби ва аъзолари сонининг белгиланган талабларга мувофиқлиги ҳамда таркибида нодавлат нотижорат ташкилотлари вакилларининг иштироки	4
4.	Жамоатчилик кенгаши томонидан расмий тарзда киритилган таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги	4
5.	Жамоатчилик кенгаши фаолияти учун зарур моддий-техник ва ташкилий шароитлар яратилганлиги	3
6.	Жамоатчилик кенгаши фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлиги	3
3-боб. III. Коррупциявий хавфларни бошқариш тизимининг самарадорлиги		**16**
7.	Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда ички идоравий ҳужжатлар лойиҳаларининг ишлаб чиқилганлиги	3
8.	Инсон омилини қисқартириш ва давлат ташкилоти фаолиятининг (вазифа ва функцияларининг) рақамлаштирилганлиги, шаффофликни таъминлаш, жамоатчилик назоратининг йўлга қўйилганлиги	2
9.	Давлат органи ва ташкилоти фаолиятини (вазифа ва функцияларини) тартибга солиш чораларининг кўрилганлиги	4
10.	Давлат органи ва ташкилоти ходимлари ва жисмоний шахслар ўртасида тўғридан-тўғри алоқанинг максимал даражада чекланганлиги	2
11.	Расмий веб-сайт ва бошқа оммавий ахборот воситаларида давлат ташкилоти томонидан амалга оширилаётган давлат харидлари тўғрисидаги маълумотларнинг жойлаштирилганлиги	2
12.	Давлат хизматларини кўрсатиш жараёнининг соддалаштирилганлиги, асоссиз чекловларнинг, ортиқча маъмурий тартиб-таомилларнинг бекор қилинганлиги	3
4-боб. Ходимларнинг хизмат фаолиятига оид ҳамда хизматдан ташқари одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилишини таъминлаш		**14**
13.	Жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор қарорларни қабул қилишда қонунийлик, адолатлилик ва шаффофликни таъминлаш чораларининг кўрилганлиги	3,5
14.	Давлат ва жамият манфаатларига зарар етказадиган ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари фаолияти самарадорлигини пасайтирадиган ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) устидан самарали ички назоратнинг йўлга қўйилганлиги	3,5
15.	Давлат органлари ва ташкилотлари, давлат хизматчилари ва бошқа шахсларга ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда шахсий масалалар юзасидан таъсир ўтказишнинг олдини олувчи чораларнинг белгиланганлиги	3,5
16.	Ходимлар томонидан коррупциявий ҳуқуқбузарликлар ва бошқа суиистеъмолчиликлар содир этилишининг олдини олиш чораларининг кўрилганлиги	3,5
5-боб. Манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш механизмларининг жорий этилганлиги		**14**
17.	Эҳтимолий манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги декларацияларнинг мунтазам тўлдирилиши ҳамда манфаатлар тўқнашувини ҳисобга олиш реестрининг мавжудлиги	3

№	Баҳолаш йўналишлари ва индикатор кўрсаткичлари номи	Балл
18.	Яқин қариндошларнинг бевосита бўйсунув муносабатларида ишлаши (давлат фуқаролик хизмати лавозимларининг сиёсий гуруҳига кирувчи лавозимлар бундан мустасно) ҳамда фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар бўйича алоқадор шахсларни жалб этиш билан боғлиқ манфаатлар тўқнашуви ҳолатларининг олдини олиш чораларининг кўрилганлиги	2,5
19.	Бири бошқасига бўйсунувчи ёки бири бошқасининг назоратида бўлган ташкилотларда ўриндошлик асосида меҳнат фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ манфаатлар тўқнашуви ҳолатларининг олдини олиш чораларининг кўрилганлиги	2
20.	Ходимнинг тижорат ташкилотларининг таъсисчиси (акциядори, иштирокчиси) бўлиши билан боғлиқ манфаатлар тўқнашуви ҳолатларининг олдини олиш чораларининг кўрилганлиги, бундан акциядорлик жамиятларининг эркин муомаладаги акцияларининг ўн фоизигача эгалик қилиш ҳоллари мустасно	2
21.	Ходимнинг ўзи меҳнат (хизмат) фаолиятини амалга ошираётган давлат органи ёки ташкилоти назоратидаги тадбиркорлик субъектининг акциялари ёки устав фондидаги (устав капиталидаги) улушларига эгалик қилиши билан боғлиқ манфаатлар тўқнашуви ҳолатларининг олдини олиш чораларининг кўрилганлиги	2
22.	Манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш бўйича бошқа ташкилий ва ҳуқуқий чораларнинг белгиланганлиги	2,5
6-боб. Коррупцияга қарши курашиш бўйича ички механизмларнинг жорий этилганлиги		**14**
23.	Коррупция тўғрисида хабар бериш учун мўлжалланган алоқа каналларининг ишлаши ҳамда коррупция фактларига доир мурожаатларни кўриб чиқиш тартибининг жорий этилганлиги	3
24.	Совғаларни қабул қилиш, ҳисобга олиш ва тасарруф этиш тартибининг амалиётга жорий этилганлиги	2
25.	Коррупцияга қарши тартиб-таомилларнинг самарадорлигини мониторинг қилиш ва назорат қилиш бўйича режалаштирилган тадбирларнинг бажарилганлиги	2
26.	Бюджет, бюджетдан ташқари ҳамда бошқа маблағлардан фойдаланиш устидан ички назорат тадбирларининг амалга оширилганлиги	2
27.	Коррупцияга оид жиноятларнинг келиб чиқиш сабаблари ва уларнинг содир этилишига имкон берувчи шарт-шароитларни, шу жумладан маиший коррупцияни бартараф этиш чораларининг кўрилганлиги	2
28.	Аҳоли ва давлат хизматчиларининг коррупцияга қарши ҳуқуқий онги ҳамда ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга қаратилган тадбирларнинг амалга оширилганлиги	1,5
29.	Коррупция ҳақида хабар берган ходимларни ҳимоя қилиш кафолати етарлилиги	1,5
7-боб. Коррупцияга қарши ички назорат бўлинмалари фаолиятининг самарадорлиги		**14**
30.	Коррупцияга қарши ички назорат бўлинмасининг штат бирликлари сони давлат органи ва ташкилотининг штат бирликлари ҳамда фаолият хусусиятларидан келиб чиқиб шакллантирилганлиги, шунингдек унинг зарур моддий-техник ва бошқа ресурслар билан таъминланганлиги	8
31.	Коррупцияга қарши ички назорат бўлинмаси фаолиятини тартибга солувчи ички ҳужжатларнинг қонунчилик ҳужжатларига мувофиқлаштирилганлиги	6
	ЖАМИ	**100**

Коррупцияга қарши курашиш бўйича Миллий
сертификатлаштириш тартиби тўғрисидаги низомга
3-ИЛОВА

Коррупцияга қарши Миллий сертификатлаштириш
менежмент тизими жорий этилганлиги бўйича
С Е Р Т И Ф И К А Т

_____

(Ташкилот номи)

_____

(Сертификатнинг амал қилиш муддати)

“_____” балл.

Ўзбекистон Республикаси
Коррупцияга қарши курашиш
агентлиги директори

(раҳбарнинг Ф.И.О)

QR-код (матрик штрих код)

_____

(сертификат рақами)